

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВА ШОХИДА ШЕРЗОДОВНА**

**САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ  
КАЛЬЦИЙ ХЛОРАТ ТУТГАН ДЕФОЛИАНТ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

**Хамдамова Шохида Шерзодовна**

Саноат чиқиндиларидан комплекс таъсир этувчи кальций хлорат тутган дефолиант олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Хамдамова Шохида Шерзодовна**

Разработка технологии получения комплекснодействующего хлораткальцийсодержащего дефолианта с использованием промышленных отходов..... 27

**Khamdamova Shokhida Sherzodovna**

Development of the technology of obtaining of complex action calcium chlorate-containing defoliant by the using wastes of production..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ХАМДАМОВА ШОХИДА ШЕРЗОДОВНА**

**САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИДАН КОМПЛЕКС ТАЪСИР ЭТУВЧИ  
КАЛЬЦИЙ ХЛОРАТ ТУТГАН ДЕФОЛИАНТ ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/T150 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тухтаев Сайдиахрал**

кимё фанлари доктори, профессор, академик

**Беглов Борис Михалович**

техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Султонов Боходир Элбекович**

техника фанлари доктори

**Хамрақулов Зоҳидбек Абдусаматович**

техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**С.А. Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раис ўринбосари, т.ф.д. профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда минерал ўғитлар, стимуляторлар ва пестицидларни рационал қўллаш қишлоқ хўжалик экинларидан сифатли ва мўл ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, кейинги йилларда баргсизлантириш жараёнларини, пишиб етилган кўсакларни тўлиқ очилишини, совуқ тушгунга қадар юқори навлардаги ҳосилдорликни оширишини самарали тезлатувчи, ҳамда кузги сўрувчи зарақунандаларнинг оммавий кўпайишини олдини олишда қўлланиладиган янги, юқори самарали, хавфсиз ғўза дефолиантларини ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Жаҳонда янги дефолиантларни олиниш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда мавжуд хом-ашё манбалари ва саноат корхоналари чиқиндиларини қўллаб комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш технологияларини яратишда қуйидаги қатор йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш, жумладан: карбонатли шламни хлорид кислотада парчалаб кальций хлоридини олиш жараёнларини; олинган кальций хлоридини натрий хлорати билан кальций хлоратига конверсиялаш ва у асосида озуқа ва этилен ҳосил қилувчи компонентларни тутган комплекс таъсир этувчи дефолиант олиш жараёнини асослаш; олинган янги кимёвий бирикмаларни физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиш; дефолиантларнинг асосий реологик хоссаларини аниқлаш ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация ва диверсификациялаш натижасида қатор инновацион технологияларнинг жорий қилиниши, экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотнинг ассортименти ва хажмининг кенгайишига, шу жумладан, минерал ўғитлар, уруғларни дорилувчи препаратлар ҳамда кам захарли, арзон ва юқори самарали дефолиантлар ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиши ва улар билан қишлоқ хўжалигини ўз вақтида етарли миқдорда таъминлаш бўйича юқори натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «...саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом-ашёлар ва саноат чиқиндилари асосида янги импорт ўрнини босувчи кимёвий препаратлар ишлаб чиқариш, хусусан, ғўза кўсакларини тўлақонли пишиб етилиши ва очилишини тезлатувчи кўп функцияли таъсирга эга бўлган дефолиантларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харакатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 23 августдаги ПФ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантиришнинг дастури тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>2</sup>**

Дефолиантларни таркиби ва ассортиментини кенгайтириш, уларнинг хусусиятларини яхшилаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), University of Tennessee Institute of Agriculture (АҚШ), Indian Council of Agricultural Research (Ҳиндистон), Cotton in Central China and Virulence on Selected Cotton Cultivars (Ҳитой), Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти (Россия) ва Умумий ва ноорганик кимё институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жахонда органик ва ноорганик дефолиантлар синтези ва уларни қўллашга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: пахта кўсакларини пишиб етилиши ва очилишини тезлаштирувчи дропп дефолиантини таъсир этувчи моддаси тидиазурон моддаси синтез қилинган («Nufarm Americas», АҚШ); таъсир этувчи моддаси 2-хлорэтилфосфон кислотаси  $-C_1CH_2CH_2P(OH)_2O$  бўлган этрел, этефон, кампозан, морел препаратлари ишлаб чиқилган (Department of Aerospace Engineering and Mechanics, University of California, АҚШ); Pre-Harvest Defoliant Hydrogen Cyanamide ва Price Preferential Plant Growth Regulator Cyanamide номли барглари тўкилиши ва бегона ўтларга қарши курашувчи препаратлар яратилган (Chinese Academy of Agricultural Sciences, Ҳитой); таркибида фаол этилен ҳосил қилувчи ва полимер моддалар асосида – полигексаметиленгуанидин тутган дефолиантлар ишлаб чиқилган (АЖ «ФосАгро-Череповец», Россия).

Дунёда дефолиацияловчи ва физиологик фаоллигига эга бўлган қатор ноорганик ва органик моддаларни синтез қилиш ва таркибларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: цианамидлар, хлоратлар, хроматлар, бихроматлар ва йодидлар асосида кам захарли препаратлар олиш; ёғлар

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://chem.iitm.ac.in>, <https://en.ustc.edu.cn>, <https://www.fipr.state.fl.us>, <https://www.dobersek.com>, <https://www.ichp.pl>, <https://www.csj.jp>, <https://dmpe.aut.ac.ir>, <https://www.niui.ru>, <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

каторининг тўйинмаган бирикмалари, тиоэфирлар ва полисульфидлар, сульфоксидлар, гидразин ҳосилаларини синтез қилиш; альдегидлар ва уларнинг ҳосилалари, галогенкарбон кислоталар, тиокарбон ва карбон кислоталарининг ҳосилаларини олиш; мишьяк тутган бирикмалар, феноллар, ароматик кислоталар ва айрим фосфорорганик, гетероциклик бирикмалар асосида олдиндан белгиланган хусусиятларига эга бўлган препаратларни олиниш технологиясини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда органик ва ноорганик асосдаги дефолиантларини олиш ва уларни қишлоқ хўжалик экинларида қўллаш бўйича маълум хажмдаги маълумотлар кенг ёритилган. Хориж олимларидан Jaums Cost, Loston Rowe, J. Dan Smit, Ch. S. Wulyams, J. C. Suttle, F. R. H. Katterman, W. C. Hall, L. C. Brown, C. L. Rhyne, Yo Ganва дефолиантлар ишлаб чиқариш муаммоларининг асосий кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганишда, Ўзбекистонда қатор илмий мактаблар яратган республикамиз олимларидан М. Н. Набиев, С. Тухтаев, Б. М. Беглов, Б. С. Закиров, Ш. С. Намазов, Х. Кучаров, А. У. Эркаев, С. М. Таджиев, ва б. лар ноорганик моддалар кимёси ва технологияси бўйича ўзларининг улкан хиссаларини қўшган.

Дефолиациянинг қишлоқ хўжалик экинларидаги биологик, токсикологик ва агрокимёвий муаммолари А. И. Имамалиев, А. А. Умаров, Т. С. Закиров, А. М. Пругалов, Н. Н. Мельников, Л. Д. Стонов, К. Е. Овчаров, Н. Ф. Зубкова, Ш. Ж. Тешаев, Ф. Ж. Тешаев, Т. И. Искандаров, Л. Х. Романова, Г. Т. Искандарова каби олимларнинг илмий ишларида кенг ёритиб берилган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан саноат чиқиндиларини қўллаш асосида янги, таркибида озуқа элементи, физиологик фаол моддалар ва этилен ҳосил қилувчи компонентлардан ташкил топган дефолиант олиш технологиясини яратиш бўйича ҳозирга қадар илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу диссертация ишида кальций хлорати, озуқа элементи ва физиологик фаол компонентлар асосидаги кам захарли, арзон, комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиш ва уларни пахтачиликда қўллаш, ҳамда пахта ҳосилини пишишини тезлатувчи ва уни йиғиб олишнинг муддатларини қисқартирувчи препаратларни яратиш орқали бартараф этиш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-141 «Республика минерал хом ашёсидан комплекс таъсир этувчи янги самарали хлорат тутган дефолиантлар олиш технологиясини яратиш» (2015-2017 йй.); ПЗ-20170926386 «Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини пишиб етилишини тезлаштирувчи ва кўп функцияли таъсир этувчи хлорат сакловчи дефолиантлар таркибини ва олиниш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат чиқиндилари асосида кальций хлорат тутган, юмшоқ ва комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шламни хлорид кислотасида парчалаш кинетикасини концентрация, ҳарорат ва жараён давомийлигига боғлиқ ҳолда ўрганиш, кальций хлориди эритмасини олишнинг мақбул технологик меъёрларини аниқлаш;

кальций хлориди – натрий хлорати – сув ва кальций хлорати – натрий хлориди – сув учламчи системалардаги ўзаро эрувчанликни кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида ўрганиш, уларнинг эрувчанлик диаграммаларини қуриш ва моддаларнинг таъсирлашувини аниқлаш;

кальций хлоратини олишда кальций хлорид эритмасини натрий хлорати билан конверсиялаш кинетикасини ҳарорат ва вақтга боғлиқ ҳолда ўрганиш, суюқ кальций хлоратли дефолиант олиш жараёнининг мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш, ҳамда принципиал технологик схемасини ишлаб чиқиш;

кальций хлорати, мочевина, этанол, ди-, триэтанолламин, 2-хлорэтилфосфонат ди- ва -триэтанолламмоний, нитрат моно- ва диэтанолламмоний, фосфат мочевина ва 2-хлорэтилфосфонат мочевина иштирокидаги мураккаб сувли системалардаги гетероген фазавий мувозанатни кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида ўрганиш, уларнинг эрувчанлик диаграммаларини қуриш ва таъсирлашув хусусиятини аниқлаш;

таркибида кальций хлорати, озуқа элементи, физиологик фаол моддалар ва этилен ҳосил қилувчи компонентларни тутган дефолиант олиш жараёнини асослаш мақсадида системаларнинг “таркиб-хосса” диаграммаларини ўрганиш;

кальций хлорати, мочевина, нитрат моноэтанолламмоний ва этанол асосида янги комплекс таъсир этувчи кальций хлорат тутган дефолиантини олишнинг принципиал технологик схемасини ишлаб чиқиш ва мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш, таклиф этилган технология асосида дефолиантнинг тажриба-саноат намуналарини ишлаб чиқиш;

тавсия этилган препаратларнинг агрохимёвий ва токсикологик синовларини ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** карбонат тутган шлам, хлорид кислота, кальций ва натрий хлориди ва хлорати, мочевина, этанол, ди-, триэтанолламин, ва 2-хлорэтилфосфонат ди-, триэтанолламмоний, нитрат моно- ва диэтанолламмоний, фосфат мочевина, 2-хлорэтилфосфонат мочевина.

**Тадқиқотнинг предмети** республикамизда етарли миқдорда мавжуд бўлган кальций тутган чиқиндиларни хлорид кислотасида парчалаш натижасида олинган кальций хлоридини натрий хлорати билан конверсиялаб олинган кальций хлорати, озуқа ва этилен ҳосил қилувчи компонентлар асосида юқори самарадорли, юмшоқ таъсир этувчи янги дефолиантларни яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда визуал-политермик, изотермик, пикнометрли, аналитик, термик, ИҚ-спектроскопия, рентгенфазали таҳлил усулларида фойдаланилган. Эритмаларнинг қовушқоқлиги ВПЖ визкозиметри ёрдамида, эритмалар рН кўрсаткичи METTLER TOLEDO FE 20/FG 2 рН метрида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

хлорат кальцийли дефолиант олиш жараёнини асословчи натрий, кальций хлорид ва хлоратлари иштирокида учламчи системаларнинг политермик ва изотермик эрувчанлик диаграммалари қурилган, система компонентларининг эрувчанлик ва таъсирлашув моҳияти аниқланган;

карбонат тутган шламни хлорид кислотасида парчалаш кинетикасини концентрация, ҳарорат ва жараён давомийлигига боғлиқ ҳолда аниқланган ва кальций хлориди эритмасини олишнинг мақбул технологик меъёрлари ишлаб чиқилган;

кальций хлорид эритмасининг натрий хлорати билан конверсиялаш жараёнининг мақбул шароитлари аниқланган;

таркибида асосий таъсир этувчи моддаси 36-40% бўлган кальций хлоратли дефолиантини олиш жараёнининг технологияси ишлаб чиқилган;

кальций хлорати, мочевино, этанол, ди-, триэтанолламин, 2-хлорэтилфосфонат ди- ва -триэтанолламиний, нитрат моно- ва диэтанолламиний, фосфат мочевино ва 2-хлорэтилфосфонат мочевино иштирокида 18 та мураккаб сувли системалардаги эрувчанлик ва қаттиқ фазалар тавсифи аниқланган;

8 та янги бирикмаларнинг ҳосил бўлиши физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботланган;

кальций хлорати, мочевино, нитрат моноэтанолламиний ва этанол асосида комплекс таъсир этувчи дефолиантининг олиниш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги самарали хлорат тутган дефолиантларни олиш учун хом-ашё сифатида маҳаллий карбонат тутган шламни хлорид кислотасида парчалаш натижасида олинган кальций хлорид эритмасини қўллаш ва уни натрий хлорати билан конверсиялаш натижасида кальций хлорати олиш имкони кўрсатилган;

кальций хлоратли ва унинг асосида янги комплекс таъсир этувчи дефолиант олишнинг технологиялари ишлаб чиқилди, ишлаб чиқариш учун моддий оқимларнинг баланслари тузилди ва мақбул технологик параметрлари таклиф этилган;

«Farg'onaazot» АЖ нинг тажриба қурилмасида янги дефолиантларнинг 1250 кг миқдордаги тажриба-саноат намуналари ишлаб чиқарилди, улар агрокимёвий ва токсикологик синовлардан ўтказилди, ҳамда ғўзада қўллашнинг тавсиялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Олинган натижалар ишончилиги замонавий тадқиқот усулларида бажарилганлиги билан тасдиқланади. Лаборатория тажриба натижалари катталаштирилган тажриба-

саноат қурилмаларида, ҳамда агрохимёвий ва токсикологик синовлардан ўтганлиги билан тасдиқланади ва қишлоқ хўжалигида пахтада самарали дефолиантлар сифатида қўллашга тавсия этилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти карбонат тутган шламни хлорид кислотасида парчалаш, ҳосил бўлган эритмани натрий хлорати билан конверсия жараёнларини, шунингдек, натрий, кальций хлорат ва хлоридлари, кальций хлорати, мочевина, этанол, ди-, триэтанолламин, 2-хлорэтилфосфонат ди- ва -триэтанолламмоний, нитрат моно- ва диэтанолламмоний, фосфат мочевина в 2-хлорэтилфосфонат мочевина иштирокидаги 20 та мураккаб сувли системаларда компонентларнинг эрувчанлигини ўрганиш ва қаттиқ фазалар тавсифи юзасидан илк бор олинган маълумотлар янги дефолиантлар технологиясини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кальций хлоридини карбонатли шламни хлорид кислотасида парчалаб олишнинг мақбул шароитлари ва технологик кўрсаткичлари аниқланди, шунингдек, кальций хлоратли ва уни асосида олинган янги озуқа элементи ва этилен ҳосил қилувчи моддалардан ташкил топган комплекс таъсирга эга бўлган дефолиантлар олиш технологияси илмий асосланди ва технологик схемаси ишлаб чиқилди, ҳамда ғўзада қўллашга тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Саноат чиқиндиларидан хлорат кальцийли ва комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги суюқ хлорат кальцийли дефолиантини олиниш технологияси «Farg'onaazot» АЖда 2021 йилда амалиётга жорий этилувчи истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Узкимёсаноат» акционерлик жамиятининг 2018 йил 07 май 03-1879/П - сон маълумотномаси). Натижада қўлланилган дефолиант суюқ магний хлоратига нисбатан ғўза ҳосилини самарали ва сифатли дефоляциялаш имконияти яратилган;

янги комплекс таъсир этувчи «Фанкальцийдеф» дефолиантини олиниш технологияси «Farg'onaazot» АЖда 2021 йилда амалиётга жорий этилувчи истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Узкимёсаноат» акционерлик жамиятининг 2018 йил 07 май 03-1879/П - сон маълумотномаси). Натижада ғўза кўсақларининг очилишини 87,6-90,5% га, барглари тўкилишини 88,8-89,8% га ошириш имконини берган;

синтез қилинган хлорат кальцийли дефолиант республикамизнинг турли туманлари фермер хўжаликларидаги пахта майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 18 май 02/023-56 - сон маълумотномаси). Натижада дефолиант ўрта толали ғўза навларида қўлланилганда барглари тўкилиши 88,0% ни ташкил этиб, самарали дефоляциялаш имкони яратилган;

олинган «Фанкальцийдеф» дефолианти республикамизнинг турли туманлари фермер хўжаликларида кенг пахта майдонларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 18 май 02/023-56 - сон маълумотномаси).

Натижада кўсакларни очилиши 90,5% га, барглари тўкилиши 89,0% га эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

## ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республикамиз фан ва технологияси тарақиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гўза дефолиацияси ҳолатининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, хусусан, дефолиациянинг биологик ва физиологик асослари, дефолиантларнинг олиниши ва уларнинг пахтачиликда қўлланилиши, шунингдек, кальций тутган чиқиндилар тавсифи юзасидан маълумотлар келтирилган. Ноорганик ва органик дефолиантларни олиниш усуллари ва технологиялари кўриб чиқилган. Илмий адабиётлар таҳлили арзон, юқори самарали ва кам захарли дефолиантларни синтези учун етарли миқдорда мавжуд хом-ашё излаш зарурати таъкидланган, ҳамда кальций хлорати, озуқа элементлари ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида янги комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиниш технологиясини ишлаб чиқиш зарурати ҳақида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Саноат чиқиндиларини қўллаш натижасида кальций хлоратини олиш жараёнини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида кальций хлорид ва хлорат эритмаларини олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Сув тозалаш бўлимининг карбонат тутган чиқиндисини хлорид кислотасида парчалаш жараёни ўрганилди ва натрий хлорати билан конверсиялаш учун 34-35%-ли кальций хлорид эритмаси олиш жараёнининг қуйидаги мақбул параметрлари аниқланди:  $\text{HCl}$  эритмаси концентрацияси – 30-32%, ҳарорат – 30-40°C, таъсирлашув давомийлиги – 40 минут. Олинган эритма рН кўрсаткичи 2,7-2,8 га тенг бўлиб эритма оҳакли сут билан рН кўрсаткичи 5,5-6,0 гача нейтралланди. Шламни парчалаш


жараёни натижалари асосида фаолланиш энергияси ва реакциянинг тезлик константалари ҳисобланган. Чикиндини ҳароратга боғлиқ ҳолда реакциянинг парчаланиш тезлик константаси Аррениус тенгламасига бўйсунди ва эмпирик жиҳатдан қуйидагича ифодаланади:

$$30,0 \% \text{ HCl учун } K = 11,69 \cdot e^{\frac{710,5}{T}} ;$$

$$32,0\% \text{ HCl учун } K = 18,87 \cdot e^{\frac{168,4}{T}} .$$


Натрий хлорати ва кальций хлориди асосида дефолиант олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш ва технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида  $\text{Ca}^{+2}$ ,  $2\text{Na}/2\text{ClO}_3^-$ ,  $2\text{Cl}^- - \text{H}_2\text{O}$  тўртламчи ўзаро алмашинувчи системанинг ички диагональ кесимларидан бири бўлган натрий хлорат – кальций хлорид – сув системасидаги эрувчанлик визуал-политермик ва изотермик усулларда ўрганилди (1-расм).

Компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви натижасида натижасида ўрганилган системада қаттиқ фазада натрий хлориди, суюқ фазада эса кальций хлорати ҳосил бўлиши аниқланган. Кальций хлорати системанинг бошқа компонентларига нисбатан эрувчанлиги юқори бўлгани сабабли, эрувчанлик диаграммаси ликвидус сиртида кристалланиш майдони мавжуд эмас. Ўрганилган эрувчанлик диаграммаси тахлили шуни кўрсатадики, дастлабки моддалар концентрацияси ва ҳароратнинг ортиши билан натрий хлоридининг кристалланиш майдони ортиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида ҳароратнинг ортиши реакциянинг тўлиқ боришига таъсир этишини кўрсатади. Ўзаро алмашинувчи система оддий эвтоник типга тааллуқли бўлиб, унда натрий хлорати натрий хлоридининг эрувчанлигини камайишига олиб келиши ва ҳарорат кўтарилиши билан ортиб бориши кузатилади.



1-расм.  $\text{NaClO}_3\text{-CaCl}_2\text{-H}_2\text{O}$  системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси

Олинган кальций хлорат эритмасидан натрий хлоридини ажратиб олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш мақсадида  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-NaCl-H}_2\text{O}$  системасида компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви ўрганилди (2-расм).



2-расм.  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2\text{-NaCl-H}_2\text{O}$  системасининг политермик эрувчанлик диаграммаси

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ўрганилган системада кенг ҳарорат оралиғида ҳеч қандай янги бирикмалар ва система компонентлари асосида қаттиқ эритмалар ҳосил бўлмайди. Система оддий эвтоник типга мансуб. Ўрганилган системаларнинг эрувчанлик диаграммалари тахлили натижалари кальций хлоридини натрий хлорати билан конверсияси ва ҳосил бўлган натрий хлоридининг филтрлаш жараёнларини 90-100°C ҳарорат оралиғида олиб бориш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Кальций хлорати дефолиантини олиш технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида кальций хлоридини натрий хлорати билан конверсиялаш жараёнини ҳарорат ва жараён давомийлигига боғлиқ ҳолда ўрганилди. Конверсия даражаси ҳароратга боғлиқлиги ва унинг кўтарилиши билан конверсия даражаси ортиши аниқланди. Кальций хлоридини натрий хлорати билан конверсия қилиш жараёни эритмани буғлатиш ва буғлатмасдан ўтказилди. Эритмаларни буғлатмасдан олиб борилган конверсия жараёнини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 30 ва 35% кальций хлорид эритмалари учун 100°C да 120 минут давомида конверсия даражаси 41,9 ва 46,0% ни ташкил этди. Жараённинг давомийлигини янада ошириш конверсия даражасини сезиларли ортишига олиб келмайди. Конверсия даражасини ошириш мақсадида жараён эритмаларни буғлатиш билан олиб бориш орқали

ўрганилди, бунда конверсия даражасининг ортиши кузатилди ва 100°C да 120 минут давомида 72,0 ва 72,8% ни ташкил этди.

Конверсия давомийлигини янада ошириш кальций хлоридининг натрий хлорати билан конверсия даражасини ортишига деярли катта таъсир кўрсатмади. 100°C ҳароратда ва жараёни 120 минут давомида олиб борилганда конверсия жараёни давомийлиги 90 минутдан 120 минутга узайтириш натижасида конверсия даражаси 30 ва 35%-ли эритмалар учун мос равишда атиги 0,2 ва 0,8% га ортиши кузатилди. Бу ҳодиса конверсиянинг дастлабки 60-90 минутлари давомида (1) реакция бўйича етарли миқдордаги натрий хлоридининг ҳосил бўлиши ушбу реакциянинг сувли муҳитда тўлиқ давом этишига салбий таъсир кўрсатишидан далолат беради.




Конверсия жараёнининг реакция тартиби биринчи тартибли кинетик тенгламадан аниқланди:

$$K = 2,303/\tau \cdot \lg C_0 / (C_0 - C_\tau) \quad (2)$$

бу ерда  $C_0$  ва  $C_\tau$  – кальций хлоридининг бошланғич ва ( $\tau$ ) вақтда оралиғидаги концентрациялари,  $K$  – конверсия тезлик константаси.

Олинган натижаларга кўра, кальций хлоридининг натрий хлорати билан конверсия жараёни тартиби бирга тенг. Бу (2) тенгламадан тажриба натижалари асосида ҳисобланган конверсиянинг тезлик константаси ҳар бир ҳарорат учун деярли бир хил қийматга эга эканлиги билан исботланади. Ҳисобланган фаолланиш энергияси қиймати ( $E$ ),  $E = b \cdot 4,576$  формуладан 1711,264 калл/моль ёки  $7,16335 \cdot 10^3$  кДж/моль га тенглиги аниқланди.


Конверсия жараёни тезлик константасининг ҳароратга боғлиқлиги Аррениус тенгласига бўйсунди. Бу  $\lg K$  нинг  $1/T$  га нисбатан тўғри чизиқли график боғлиқлиги билан исботланади (расм 3).



3-расм. Конверсия жараёнини (1,3) буглатишсиз ва (2,4) буглатиш билан олиб борилганда  $\lg K$  қийматини  $1/T$  га боғлиқлиги

Кальций хлоридини натрий хлорати билан сувли мухитда конверсия жараёнини тадқиқ қилиш натижалари кальций хлоратини дастлабки моддаларнинг эквимоляр нисбатларда  $100^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 60 минут давомида буғлатиш билан олиб бориш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

4-расмда кальций хлоридни натрий хлорати билан конверсиялаш жараёнини асословчи диаграммаси келтирилган бўлиб, жараён  $\text{P}_{100} - \text{P}_{100}(\text{P}_{20}) - \text{P}_{20}$  схема асосида амалга оширилади.  $100^{\circ}\text{C}$  ҳароратда кальций хлорид эритмасини эквимоляр миқдорда натрий хлорати билан аралаштирилганда таркиби “П-100” нукта билан ифодаланувчи пульпа ҳосил бўлади. “П-100” пульпасининг координаталари Енеке индекси бўйича 1 моль тузлар учун ион-экв. миқдори  $\text{Ca}^{2+}$ -0,4999,  $2\text{Na}^{+}$ -0,5001,  $2\text{Cl}^{-}$ -0,4999,  $2\text{ClO}_3^{-}$ -0,5001,  $\text{H}_2\text{O}$ -5,5632 дан иборат бўлади.




4-расм. Суяқ кальций хлорати дефолиантини олиш жараёнини асословчи диаграмма

Катионлар, анионлар ва сув бўйича хусусий тенгламалар тузилди. 1 МЕ пульпани филтрлаш натижасида « $\text{P}_{100}$ » пульпадан 0,3156 моль натрий хлориди, 0,1159 моль сув ажратилади ва 0,6844 МЕ « $\text{P}_{100}$ » эритмаси ҳосил бўлади. « $\text{P}_{100}$ » эритмани  $20^{\circ}\text{C}$  гача совитишда 0,6844 МЕ « $\text{P}_{20}$ » пульпа ҳосил бўлади, ундан филтрлаш натижасида 0,1616 моль натрий хлорати ва 0,5228 МЕ « $\text{P}_{20}$ » эритмасига ажралади. Натижада ҳосил бўлган сарғиш рангли тиниқ « $\text{P}_{20}$ » эритма 40,24% кальций хлорати, 9,22% кальций хлориди, 0,742% натрий хлориди ва 50,04% сувдан ташкил топган бўлиб, у тайёр суяқ кальций хлорат дефолианти ҳисобланади.

Юқорида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида кальций хлориди ва натрий хлоратидан кальций хлоратли дефолиантини олишнинг моддий

баланси ва технологик схемалари ишлаб чиқилди ва тавсия этилди (5-расм). Суюқ кальций хлорат дефолиантини ишлаб чиқариш жараёни, 30-35% кальций хлорид эритмаси ва кристалл ҳолдаги натрий хлоратини қўллаш орқали амалга оширилади. Технологик жараён қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- “Farg’onaazot” АЖ карбонат тутган шламни хлорид кислотада парчалаш натижасида кальций хлорид эритмасини олиш;
- конверсия жараёнини амалга ошириш ва ҳосил бўлган пульпадан натрий хлоридни ажратиш;
- иккиламчи эритмани совутиш ва пульпани филтрлаш орқали натрий хлоратни ажратиш олиш;
- олинган тайёр маҳсулотни қадоқлаш.



**5-расм. Суюқ кальций хлоратли дефолиантини олишнинг принципиал технологик схемаси**

1,4-бункер; 2- скипли транспортер; 3-30-32% хлорид кислота сиғими; 5-шнекли аралаштиргич; 6-шламни парчалаш реактори; 7-реактор-нейтраллагич; 8-аралаштирувчи қурилмали ускуна; 9-скруббер; 10-санитар минораси; 11-кальций хлориди эритмаси учун йиғич; 12-дефолиант синтез реактори; 13-дозатор; 14-сарф ўлчагич; 15-вакуум филтр; 16-кристаллизатор; 17-қадоқловчи қурилма; 18-марказдан қочма насос.

Суюқ кальций хлоратли дефолиантини олиш технологияси асосида 1 тонна маҳсулот олишнинг моддий баланси ва нисбий таннарҳи ҳисобланди. Тавсия этилган технология ЎзР ФА УНКИ ва “Farg’onaazot” АЖ лаборатория

ва саноат-тажриба қурилмаларида синалди, ҳамда маҳсулотнинг 900 кг миқдордаги тажриба ва тажриба–саноат партиялари ишлаб чиқилди.

1-жадвал

Сууюқ кальций хлоратли дефолиантининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Меъёрлари
- ташқи кўриниши	сарғиш тусли, тиник гомоген сууюқлик
- кальций хлоратининг масса улуши, кам бўлмаган (%)	36,0
- кальций хлориди масса улуши, кўп бўлмаган (%)	10,0
- натрий хлориди масса улуши, кўп бўлмаган (%)	1,0
- сувнинг масса улуши, кўп бўлмаган (%)	53,0
- солиштира оғирлиги , кг/м <sup>3</sup>	1,49-1,50

Диссертациянинг “Кальций хлорати, озуқа элементлари ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида комплекс таъсир этувчи дефолиантларни олиш жараёнини физик-кимёвий тадқиқоти” деб номланган учинчи боби таркибида кальций хлорати, кальций дикарбамидохлорати, кальций тетракарбамидохлорати, ди-, триэтаноламин, 2-хлорэтилфосфонат ди-, триэтаноламмоний, фосфат мочевиnasi, 2-хлорэтилфосфонат мочевиnasi, нитрат моно- ва диэтаноламмонийлардан иборат 16 та сувли системалардаги гетероген фазавий мувозанатни ўрганишга бағишланган.

Тадқиқот натижалари асосида тетракарбамид кальций хлорати – фосфат (2-хлорэтилфосфонат) мочевина – сув, кальций хлорати – нитрат моно (ди-)этаноламмоний – сув системалари оддий эвтоник типга мансуб бўлиб, уларда компонентлар таъсирлашуви натижасида янги моддалар ҳосил бўлмаслиги ва фосфат (2-хлорэтилфосфонат) мочевиnasi ва нитрат моно (диэтаноламмоний) ларни кальций хлорати эрувчанлигини камайтириши аниқланган. Кальций хлорати, ди-, триэтаноламин ва 2-хлорэтилфосфонат ди- ва триэтаноламмонийлар иштирокидаги сувли системаларда компонентларни ўзаро таъсирлашуви натижасида таркибида  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{NH}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_2$ ,  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$ ,  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{ClC}_2\text{H}_4\text{PO}(\text{OH})_2 \cdot \text{NH}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_2$ ,  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{ClC}_2\text{H}_4\text{PO}(\text{OH})_2 \cdot \text{N}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_3$  бўлган янги бирикмаларнинг ҳосил бўлиши кузатилди. Кальций хлорати (дикарбамидохлорати) – фосфат (2-хлорэтилфосфонат) мочевина – сув системаларда  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4) \cdot (\text{ClO}_3) \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ,  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot \text{ClC}_2\text{H}_4\text{PO}(\text{OH})_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  янги таркибли бирикмаларнинг ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Ҳосил бўлган бирикмалар кристалл ҳолда ажратиб олиниб кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида идентификацияланди.

Ди-(тетра-) карбамид кальций хлорати ва нитрат моно-(ди-) этаноламмонийли системаларида сууюқ фазада  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$  ва  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}(\text{C}_2\text{H}_4\text{OH})_2 \cdot \text{HNO}_3$  бирикмаларининг ҳосил бўлиши кузатилди.

Системанинг дастлабки компонентларига нисбатан яхши эрувчанликка эга бўлгани туфайли ўрганилган концентрация ва ҳарорат оралиғида эрувчанлик диаграммаларида уларнинг кристалланиш майдонлари қайд қилинмади. Бирикмаларнинг мавжудлиги тегишли система эритмаларини изотермик буғлатиш орқали тузлари ажратиб олинди ва кимёвий, ИҚ-спектроскопик ва термик таҳлил усуллари ёрдамида идентификацияланди ва мавжудлиги исботланди.


Ўрганилган системаларнинг политемик ва изотермик диаграммалари таҳлили асосида компонентларнинг ўзаро эрувчанликларига таъсири аниқланган, уларнинг эрувчанликни ошириш константалари ва камайтириш коэффициентлари ҳисобланган. Янги ҳосил бўлган комплекс бирикмаларнинг ва дастлабки компонентларнинг мавжудлиги ва ҳосил бўлиш чегаралари ҳарорат ва концентрация оралиғида аниқланган. Таркибида кальций хлорати, мочевино, нитрат моно-(ди-) этаноламмонийли системларда компонентларнинг ўзаро таъсирлашувини физик-кимёвий тадқиқ қилишдан олинган натижалар янги кальций хлорати тутган комплекс таъсир этувчи дефолиант олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Кальций хлорат тутган комплекс таъсир этувчи дефолиант олиш технологиясини ишлаб чиқиш”** деб номланган тўртинчи бобида  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 - \text{CaCl}_2 - \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{H}_2\text{O}$  тўртламчи системанинг ички диагональ кесими бўлган  $[82,98\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 17,02\% \text{CaCl}_2] - \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{H}_2\text{O}$  эрувчанлик системаси  $-28,0$  дан  $60,0^\circ\text{C}$  гача визуал-политемик усулда ўрганилди.  $[82,98\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 17,02\% \text{CaCl}_2] - \text{H}_2\text{O}$  иккиланган системада муз ва олти сувли кальций хлориди кристалланиш соҳаларидан ташкил топган бўлиб, улар  $-9,6^\circ\text{C}$  ҳароратда  $26,5\%$   $[82,98\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 17,02\% \text{CaCl}_2]$  нуктага мос келадиган криогидрат нуктада кесишади. Икки компонентли системалар ва политемик кесимлар асосида системанинг тўғри бурчакли учбурчакда политемик эрувчанлик диаграммаси қурилди. Система мураккаб типга тааллуқли. Ликвидус юзаси муз, мочевино, олти сувли кальций хлориди ва  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 \cdot 4\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$  таркибли бирикма кристалланиш майдонларидан иборат. Бирикма кристалл ҳолда ажратиб олинди ва кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида идентификацияланди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида кальций хлорати дефолианти таркибига мочевинони оптимал миқдори  $10,0\%$  гача танлаб олинди, унда дефолиант таркибидаги компонентлар ўзининг индивидуаллиги, физик-кимёвий хоссалари ва физиологик таъсирини сақлаб қолади. Натижада таркибида  $35,0\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2$ ,  $7,0\% \text{CaCl}_2$  ва  $10,0\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  тутган сувли эритма ҳосил бўлади.

Таркибида этилен ҳосил қилувчи компонент тутган комплекс таъсир этувчи дефолиант олиш жараёнини физик-кимёвий асослаш мақсадида  $[67,3\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 13,5\% \text{CaCl}_2 + 19,2\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2] - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$  системаси  $-56,0^\circ\text{C}$  дан  $-10^\circ\text{C}$  гача кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида ўрганилди. Олинган маълумотлар асосида системанинг эрувчанлик политеммаси ликвидус сиртида тўртта: муз, моно- ва дигидратли этанол ва мочевинонинг

кристалланиш майдонлари ажралгани кузатилди. Система оддий эвтоник типга мансуб.

Дефолиант таркибида физиологик фаол компонент – концентранган нитрат моноэтаноламмоний эритмасини олиш жараёнини асослаш мақсадида 52% ли нитрат кислотасини моноэтаноламин билан нейтралаш жараёни ва  $[52,0\% \text{HNO}_3 + 48,0\% \text{H}_2\text{O}] - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  системасида компонентларни таъсирлашуви ва эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди (2-жадвал, 6-расм).




**6-расм.  $[52\% \text{HNO}_3 + 48\% \text{H}_2\text{O}] - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  система эритмаларининг кристалланиш ҳарорати (1), pH муҳити (2), қовушқоқлиги (3) ва зичлиги (4)нинг компонентлар миқдори ўзгаришига боғлиқлиги**

52%-ли нитрат кислотани моноэтаноламин билан 1:1 моль нисбатида нейтраллаш натижасида яхши физик-кимёвий курсаткичларга эга бўлган 68,0%-ли нитрат моноэтаноламмоний эритмаси ҳосил бўлди.


Амалий тавсиялар ва технологик жараённи олиб бориш меъёрларини ишлаб чиқиш мақсадида  $[40,5\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 10,5\% \text{CaCl}_2 + 1,0\% \text{NaCl} + 48,0\% \text{H}_2\text{O}] - \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ,  $[36,5\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 9,5\% \text{CaCl}_2 + 0,9\% \text{NaCl} + 10,0\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 43,1\% \text{H}_2\text{O}] - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3$ ,  $[36,3\% \text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 + 9,4\% \text{CaCl}_2 + 0,9\% \text{NaCl} + 9,9\% \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,6\% \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3 + 42,9\% \text{H}_2\text{O}] - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$  системаларининг “таркиб-хосса” характеристикалари ўрганилди (7-9 расм).

**[52,0% $\text{HNO}_3$ +48,0% $\text{H}_2\text{O}$ ]- $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  системасида эритмалар таркибининг кристалланиш ҳароратлари, қовушқоқлиги, зичлиги ва pH муҳитига боғлиқлиги**


Компонентлар миқдори, %		Крист-ш харорати, °C	Қовуш- қоқлик, ( $\eta$ ), $\text{мм}^2/\text{с}$	Зичлик, ( $d$ ), $\text{кг}/\text{м}^3$	pH	Нисбат [52% $\text{HNO}_3$ + 48% $\text{H}_2\text{O}$ ]: $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$
[52% $\text{HNO}_3$ + 48% $\text{H}_2\text{O}$ ]	$\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$					
100,0	-	-17,8	1,88	1328,0	0,21	-
96,0	4,0	-19,0	3,05	1175,0	0,50	1:0,042
90,0	10,0	-24,8	4,22	909,40	0,62	1:0,111
84,0	16,0*	-36,0	5,28	753,12	0,94	1:0,190
80,0	20,0	-20,2	8,14	765,80	2,30	1:0,250
72,0	28,0	-4,0	12,03	792,00	3,84	1:0,388
60,0	40,0	-0,2	15,56	800,61	5,48	1:0,667
53,0	47,0	-1,0	16,20	811,83	5,60	1:0,887
46,0	54,0	-8,0	16,18	820,00	6,78	1:1,174
40,0	60,0*	-21,0	15,77	824,76	7,44	1:1,500
36,0	64,0	-6,0	15,18	830,54	7,80	1:1,778
32,0	68,0	-3,2	14,02	838,01	8,25	1:2,125



**7-расм. [40,5% $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2$ +10,5% $\text{CaCl}_2$ +1,0% $\text{NaCl}$ +48,0% $\text{H}_2\text{O}$ ]- $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$  “таркиб-хосса”ларини система (1)-кристалланиш ҳарорати, (2)-pH муҳити, (3)-зичлиги, (4)-қовушқоқлигига боғлиқлиги**



**8-расм. [36,5%Ca(ClO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>+9,5% CaCl<sub>2</sub>+0,9% NaCl+10,0% CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub>+43,1% H<sub>2</sub>O] – NH<sub>2</sub>C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>OH·HNO<sub>3</sub> системасидаги “таркиб-хосса”нинг (1)- кристалланиш ҳарорати, (2)- pH, (3)-зичлик ва (4)-қовушқоқликка боғлиқлиги**



**9-расм. [36,3% Ca(ClO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>+ 9,4% CaCl<sub>2</sub>+ 0,9% NaCl + 9,9% CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub>+ 0,6% NH<sub>2</sub>C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>OH·HNO<sub>3</sub>+ 42,9% H<sub>2</sub>O]–C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>OH “таркиб-хосса”нинг система (1)- кристалланиш ҳарорати, (2)- pH, (3)-зичлик ва (4)-қовушқоқликка боғлиқлиги**

Таркибида мақбул миқдор физиологик фаол моддалар тутган сифатли дефолиацияловчи таркибни олишда, дефолиацияловчи ва озиклантирувчи компонентларни қуйидаги нисбатини танлаш мақсадга мувофиқдир:  $\text{Ca}(\text{ClO}_3)_2 : \text{CO}(\text{NH}_2)_2 : \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{HNO}_3 : \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} = 1:(0,08-0,11):(0,04-0,006):(0,03-0,05)$ , бунда препарат таркибида таъсир этувчи моддаларнинг умумий миқдори 58,0-59,0% ни ташкил этади. Келтирилган таркиб қуйидаги физик-кимёвий кўрсаткичларга эга:  $t_{\text{кр}}=17,5^\circ\text{C}$ ;  $\eta=3,4014 \text{ мм}^2/\text{с}$ ;  $d=1,425\text{г}/\text{см}^3$  ва  $\text{pH}=7,4$ .

